



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.

2021 йил «1» июль

1-7-0-Q/21

Самарқанд вилояти ҳокимлиги

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги
“Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини
таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга
оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-
сонли Фармони ижросини таъминлаш бўйича қўшимча чора-
тадбирлар ҳақида**

Самарқанд вилояти давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли Фармони ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони билан барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан Ҳисоб палатаси, Марказий банк, суд ва прокуратура органлари ҳамда

уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда - давлат органлари ва ташкилотлари) томонидан Очик, маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Мазкур Фармонга асосан ўрнатилган тартибга мувофиқ шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари, бошқарма ва ташкилотлар:

а) ҳар йили.

1 мартга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботларни (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно) расмий веб-сайтларига жойлаштириб, 10 мартга қадар уни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида хабар берилишини таъминласин;

1 апрелга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботларни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжуманлари ўтказилишини ташкиллаштирасин;

б) 2021 йил 1 июлдан бошлаб қуйидагилар тўғрисидаги маълумотларни ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириб, уларни ҳар чоракда янгилаб борсин:

амалга оширилган давлат харидлари, шу жумладан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар);

мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари (хизмат сафарининг ёки ташрифнинг мақсади, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан боғлиқ харажатлар, бундан давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар мустасно);

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда

преференциялар, шу жумладан индивидуал имтиёзлар берилган субъектларнинг бенефициарлари (якуний манфаатдор жисмоний шахслари), улар томонидан тўланган солиқлар ва молиявий кўрсаткичлар;

ўзларининг йиллик харажатлар сметаси ва унинг ижроси, шу жумладан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автотранспорт воситаларини сотиб олиш харажатлари;

в) 2021 йил 1 июлдан бошлаб ўз ҳузурида фаолият юритувчи жамоатчилик кенгашлари билан биргаликда расмий веб-сайтларида қуйидаги маълумотларни жойлаштириб, уларнинг ҳар чоракда янгиланиб борилишини таъминласин:

жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлари (телефон, почта ва электрон манзиллари);

жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар;

давлат харидларини амалга оширувчи комиссиянинг тасдиқланган аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими);

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришга ваколатли ҳамда хабарномаларни қабул қиладиган органларнинг ҳудудлар кесимида масъул ходимлари, шу жумладан ушбу тоифадаги ҳужжатларни беришни ташкиллаштирадиган тегишли комиссия аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми ва отасининг исми, эгаллаб турган лавозими).

4. Қуйидагилар 2021 йил 1 июлдан бошлаб қайд этилган маълумотларни Порталга жойлаштириш ва уларнинг ҳар чоракда янгиланишини таъминласин:

Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят бошқармаси — устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ

бўлган юридик шахслар ҳамда давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда давлат иштирокидаги корхоналар) рўйхатини (давлат номидан акциядор (иштирокчи, мулкдор) функцияларини амалга ошираётган ташкилот, корхона ҳудуди, солиқ тўловчининг идентификация рақами, давлат улуши тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда), шунингдек, устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи давлат иштирокидаги корхоналарга тегишли бўлган юридик шахслар рўйхатини;

давлат муассасалари рўйхатини (ташкил топган санаси, юқори турувчи орган) ҳамда хусусийлаштирилган давлат мулки объектлари тўғрисидаги маълумотларни (давлат сирини ташкил этувчи махфий вазифа юклатилган давлат корхоналари ва муассасалари бундан мустасно).

вилоят Молия бош бошқармаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят бошқармаси, бошқарма ва ташкилотлар — ўзлари акциядор (иштирокчи, мулкдор) функцияларини бажарувчи давлат иштирокидаги корхоналарнинг ижроия органи (директор, бошқарув раиси, бошқарув аъзолари) ва кузатув кенгаши аъзоларининг исми ва фамилияси тўғрисидаги маълумотларни;

вилоят Давлат солиқ бошқармаси — давлат иштирокидаги корхоналар томонидан йил (чорак) якуни бўйича тўланган дивидендлар тўғрисидаги маълумотларни.

Вилоят бошқарма ва ташкилотларининг ахборот хизматлари ҳамда мурожаатлар билан ишлаш бўлинмаларига мазкур органларда очиқликка оид қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилишини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Вилоят бошқарма ва ташкилотлари фаолиятида очиқлик даражасини янада ошириш бўйича “Йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Вилоят телерадиокомпаниясига:

оммавий ахборот воситаларида мазкур Фармоннинг мақсад ва

вазифаларини ёритишга оид мақолалар ва телекўрсатувларни ташкил этиш;

манфаатдор бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда 2021 йил 1 декабрдан бошлаб қуйидаги тадбирлар телеканаллар, шунингдек, Интернет тармоқлари орқали жонли эфирга узатилишини жорий этиш тавсия этилсин.

халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари сессиялари (ёпик мажлислар бундан мустасно);

тарафларнинг розилиги билан фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамоат тартибига тажовуз қилувчи, аҳоли соғлиғини сақлаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги, шу жумладан давлат хизматчиларининг касбий фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга оид ишлар, шунингдек, айрим оилавий низоларга оид фуқаролик ишлари бўйича суд мажлислари (ёпик суд мажлислари бундан мустасно).

7. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази, вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда 1 ҳафта муддатда вилоятдаги барча корхона ва ташкилотларнинг веб-сайтларини хатловдан ўтказсин. Веб-сайтлари мавжуд бўлмаган вилоят бошқарма, корхона ва ташкилотлар томонидан веб-сайтлар яратилишини ва тизимли фаолият олиб боришини назоратга олсин.

8. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати ва вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази 10 кун муддатда мазкур Фармон ижросини таъминлашга қаратилган ўқув-семинар ташкил этсин ва унда Фармонда қайд этилган вазифалар ижросига масъул идораларнинг вилоят ҳамда туман ва шаҳар масъуллари иштироки таъминлансин.

9. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати ва туман (шаҳар) ҳокимликлари ахборот хизматлари ўтказиладиган ҳар бир сессияни ўз саҳифаларида жонли эфирларни ташкил этиш орқали ёритилишини

таъминласин.

10. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибиятига “Facebook” ижтимоий тармоғидаги саҳифасида жонли эфирларни ва депутатларнинг чиқишларини жойлаштириб бориш вазифаси юклатилсин.

11. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати вилоят молия бош бошқармаси ва туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда 10 кун муддатда ҳокимликларнинг ахборот хизматларига жонли эфирларни ташкил этиш ва узатиш билан боғлиқ техник таъминоти ва узлуксиз интернет тармоғи билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ҳамда ижросини таъминласин.

12. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати вилоят телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда бир ой муддатда вилоятда ўтказилаётган сессиялар, тендерлар, лавозимга тайинловлар билан боғлиқ танловларни ижтимоий тармоқлар ва вилоят телевидениясида жонли эфирларида намоиш этиш чораларини кўрсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов

Самарқанд вилоят ҳокимининг
2021 йил 1 июлдаги
1-7-0-Q/21-сон қарорига
1-илова

**Вилоят
ҳокимининг
2021 йил “___”
июндаги
_____-сонли
қарорига
илова**

**Вилоят бошқарма ва ташкилотлари фаолиятида очиқлик даражасини янада ошириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Ахборотнинг тури, тоифалар номланиши (параметрлар)	Маълумот жойлаштириладиган ресурс	Такдим этиш ва янгилаш муддати	Жойлаштириш учун масъул давлат органлари ва ташкилотлари
1.	Вилоят бошқарма, ташкилот ва муассасаларининг ўз фаолиятига оид ҳисоботи (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно).	Расмий веб-сайтлар	Ҳар йили 1 мартга қадар	Бошқарма, ташкилот ва муассасалар
2.	Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар, шу жумладан индивидуал имтиёзлар берилган субъектлар, уларнинг якуний бенефициар (фойда олувчи) жисмоний шахслари, уларнинг тўлаган солиқлари ва молиявий кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотлар.	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар	ҳар чорақда	Вилоят Давлат солиқ бошқармаси, вилоят Божхона бошқармаси, вилоят Молия бош бошқармаси

3.	Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан давлат харидларини амалга оширувчи шахслар томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар).	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар	ҳар чорақда	Бошқарма, ташкилот ва муассасалар
4.	Мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари (хизмат сафарининг ёки ташрифнинг мақсади, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан боғлиқ харажатлар (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно).	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар	ҳар чорақда	Бошқарма, ташкилот ва муассасалар
5.	Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобига харид қилиниши режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар (харид эълон қилинишидан камида 6 ой олдин).	Расмий веб-сайтлар	доимий равишда	Бошқарма, ташкилот ва муассасалар
6.	Давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш бўйича ташкил этиладиган харид комиссияларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан: харид комиссияси таркибини тасдиқлаш ҳақидаги қарор; харид комиссияси аъзоларининг маълумотлари (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими).	Расмий веб-сайтлар	доимий равишда	Бошқарма, ташкилот ва муассасалар
7.	Давлат сири бўлган маълумотларнинг ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг муҳофаза қилинишини таъминлаган ҳолда тегишлича ўтказилган ҳар бир тафтиш ва текширув (назорат объекти номи, назорат тадбирининг мақсади ва муддатлари, уни ўтказган давлат хизматчисининг лавозими, фамилияси, исми) тўғрисидаги маълумотлар (тегишли назорат қилувчи органнинг раҳбарини хабардор этгандан сўнг).	Очиқ маълумотлар портали	ҳар чорақда	Вилоят Молия бош бошқармаси

8.	Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ҳамда давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда – давлат иштирокидаги корхоналар) рўйхати (давлат номидан акциядор (иштирокчи, мулкдор) функцияларини амалга ошираётган ташкилот, корхона худуди, солиқ тўловчининг идентификация рақами, давлат улуши тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда), шунингдек, устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи давлат иштирокидаги корхоналарга тегишли бўлган юридик шахслар рўйхати.	Очиқ маълумотлар портали	ҳар чорақда	Давлат активларини бошқариш агентлигининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси
9.	Ўзлари акциядор (иштирокчи, мулкдор) функцияларини бажарувчи давлат иштирокидаги корхоналарнинг ижроия органи (директор, бошқарув раиси, бошқарув аъзолари) ва кузатув кенгаши аъзоларининг исми ва фамилияси тўғрисидаги маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали	ҳар чорақда	Вилоят Молия бош бошқармаси, давлат активларини бошқариш агентлигининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси, вилоят бошқарма, ташкилот ва муассасалар, шаҳар ва туман ҳокимликлари
10.	Давлат иштирокидаги корхоналар, шунингдек, ушбу корхоналарга тегишли бўлган юридик шахслар тасарруфидаги энгил автомобиллар, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар	ҳар чорақда	Вилоят Молия бош бошқармаси, Давлат активларини бошқариш агентлигининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси, Кадастр агентлиги ҳузуридаги Давлат кадастрлари палатасининг вилоят бошқармаси, вилоят Давлат солиқ бошқармаси, бошқарма, ташкилот ва муассасалар, шаҳар ва туман ҳокимликлари
11.	Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан йил (чорақ) якуни бўйича тўланган дивидендлар тўғрисидаги маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали	ҳар чорақда	Вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи
12.	Давлат иштирокидаги корхоналарга сарфланган бюджет маблағлари, тегишлича хориждан жалб этилган маблағлар, шунингдек, давлат ташқи қарзи суммалари ҳамда уларнинг сарфланиши тўғрисидаги маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали	ҳар чорақда	Вилоят Молия бош бошқармаси

13.	Давлат муассасалари рўйхати (ташкил топган санаси, юқори турувчи орган) ҳамда хусусийлаштирилган давлат мулки объектлари тўғрисидаги маълумотлар (давлат сирини ташкил этувчи махфий вазифа юклатилган давлат корхоналари ва муассасалари бундан мустасно).	Очиқ маълумотлар портали	ҳар чорақда	Давлат активларини бошқариш агентлигининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси
14.	Тасдиқланган йиллик харажатлар сметаси билан бир қаторда, унинг ижроси, шу жумладан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автомобилотранспорт воситаларини сотиб олиш ва сақлаш харажатлари тўғрисидаги маълумотлар.	Расмий веб-сайтлар	ҳар чорақда	Бошқарма, ташкилот ва муассасалар
15.	Давлат органлари ва ташкилотлари тасарруфидаги хизмат автомобилотранспорт воситалари, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотлар (тезкор-қидирув, ҳарбий ва бошқа махсус хизматларда фойдаланиладиган ашёлар бундан мустасно).	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар	ҳар чорақда	Бошқарма, ташкилот ва муассасалар
16.	Лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришга ваколатли ҳамда хабарномаларни қабул қиладиган органларнинг ҳудудлар кесимида масъул ходимлари, шу жумладан ушбу тоифадаги ҳужжатларни беришни ташкиллаштирадиган тегишли комиссия аъзолари (фамилияси, исми ва отасининг исми, эгаллаб турган лавозими) тўғрисидаги маълумотлар.	Расмий веб-сайтлар, шу жумладан “licence.gov.uz” сайти	ҳар чорақда	Бошқарма, ташкилот ва муассасалар

17.	<p>Қуйидаги лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар эгаларининг исми ва фамилиялари: хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш; истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш; банк фаолиятини амалга ошириш; махаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш; фармацевтика фаолияти; кўприklar ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолияти; нефть, газни (шу жумладан сиқилган табиий ва суюлтирилган углеводород газини) ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш фаолияти; магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни таъмирлаш фаолияти; импорт контрактларини экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш; давлат ўрмон фондига кирмайдиган захира ерларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш.</p>	<p>Расмий веб-сайтлар, шу жумладан “licence.gov.uz” сайти</p>	<p>ҳар чоракда</p>	<p>Бошқарма, ташкилот ва муассасалар</p>
18.	<p>Тегишлича ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар эгалари, тақдим этилган участка (майдонлар, фойдали қазилмалар) тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар.</p>	<p>Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар</p>	<p>ҳар чоракда</p>	<p>Ўзбекгидрогеология ДУК Зарафшон Гидрогеология станцияси, вилоят Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси</p>
19.	<p>Дарёлар ўзанларида қум-шағал материалларини қазиб олиш ишларига Фавқулдда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги “Хавфсиз дарё” давлат унитар корхонаси (хўжалик жамияти) томонидан белгиланган тартибда шартнома асосида жалб этилган тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар.</p>	<p>Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт</p>	<p>ҳар чоракда</p>	<p>Вилоят Фавқулдда вазиятлар бошқармаси</p>

20.	Вилоятдаги ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун берилган барча рухсатномалар эгалари тўғрисидаги маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт	ҳар чоракда	Вилоят Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси
21.	Вилоятдаги давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос объектлари ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун берилган рухсатнома эгалари тўғрисидаги маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар	ҳар чоракда	Вилоят туризмни ривожлантириш департаменти, вилоят маданий мерос бошқармаси, Давлат активларини бошқариш агентлигининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси
22.	Давлат олий таълим муассасаларининг даромадлари, харажатлари тўғрисидаги маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар	ҳар чоракда	Олий таълим муассасалари
23.	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларига мулк ёки ижара ҳуқуқини электрон аукцион ("E-IJRO AUKSION") орқали сотиб олган шахслар тўғрисида маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар	ҳар чоракда	Давлат активларини бошқариш агентлигининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси, кадастр агентлиги ҳузуридаги Давлат кадастрлари палатасининг вилоят бошқармаси
24.	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига ижара ҳуқуқини бериш бўйича очиқ танлов ғолиблари бўлган шахслар тўғрисида маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар	ҳар чоракда	Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари
25.	Маҳаллий бюджетларнинг ҳар чорак якунида шакллантириладиган даромадлар ва харажатлар сметаси, режадан орттириб бажарилган қисми ва мазкур маблағлар йўналтирилган мақсадлар тўғрисидаги маълумотлар.	Расмий веб-сайтлар	ҳар чорак якунида	Шаҳар ва туман ҳокимликлари
26.	Қуйидагилар тўғрисидаги маълумотлар: махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ўрнатилган аниқ манзиллар; индивидуал тартибда ҳар бир дастурий-техник воситаси қайд этадиган йўл ҳаракати қоидалари бузилиши тури.	Расмий веб-сайтлар	ҳар ойда	Ички ишлар бошқармаси, вилоят автомобиль йўллари ҳудудий Бош бошқармаси

27.	Ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам олаётган шахслар (14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ҳамда ун ва қолипчи нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш учун ҳар ойлик пулли компенсацияни олаётганлар) ҳақида ҳамда ишсизлик нафақасини олаётган шахслар (фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси) тўғрисидаги вилоят, туман, шаҳарлар кесимидаги маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар	ҳар чорақда	Вилоят Молия бош бошқармаси, вилоят Бандлик бош бошқармаси
28.	Уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларнинг ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш ҳақида берган аризалари рўйхати (навбати) тўғрисидаги маълумотлар.	Расмий веб-сайтлар	доимий равишда онлайн режимда	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси, туман ва шаҳар ҳокимликлари
29.	Давлат органлари ва ташкилотлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан: жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлари (телефон, почта ва электрон манзиллари); жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар.	Расмий веб-сайтлар	ҳар чорақда	Бошқарма, ташкилот ва муассасалар
30.	Давлат органлари ва ташкилотларининг тасдиқланган ярим йиллик ва (ёки) йиллик иш режалари (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно).	Расмий веб-сайтлар	ҳар ярим йилликда (ҳар йили)	Бошқарма, ташкилот ва муассасалар
31.	Давлат органларига доимий фойдаланиш учун берилган ер майдонлари ва бошқа мол-мулкларни давлат-хусусий шериклик асосида олган юридик ва жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотлар.	Расмий веб-сайтлар	ҳар чорақда	Бошқарма, ташкилот ва муассасалар
32.	Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идораларнинг ташқи ёки ишончли бошқарувга берилган давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятлари, ишончли бошқарувчи томонидан жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тўғрисидаги маълумотлар.	Расмий веб-сайтлар	ҳар чорақда	Бошқарма, ташкилот ва муассасалар

33.	<p>Ов қилиш ва овчилик хўжаликлари тўғрисидаги ахборот базасида қуйидагилар ҳақидаги маълумотларни акс эттириш:</p> <p>овчилик хўжаликлари;</p> <p>ов қилиш тақиқланган жойлар;</p> <p>ёввойи ҳайвонларни тутишга доир ажратилган квота;</p> <p>овчилик хўжалигига ва инсоннинг хўжалик фаолиятига зарар етказувчи деб эътироф этилган ёввойи ҳайвонлар;</p> <p>муайян ов қилиш жойларида ов қилиш учун тақиқ белгиланганлиги;</p> <p>ёввойи ҳайвонларнинг айрим турларига нисбатан ов қилиш учун тақиқ белгиланганлиги;</p> <p>муайян жинсдаги ва ёшдаги ёввойи ҳайвонларга нисбатан ов қилиш учун тақиқ белгиланганлиги;</p> <p>овчилик хўжалигини юритиш учун ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги тузилган барча шартномалар, овчилик хўжалигини юритиш ҳуқуқи тугатилган ҳолатлар ҳамда ундирилган ҳақ миқдорлари;</p> <p>ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатнома берилган барча шахслар ва рухсатномадаги маълумотлар ҳамда ундирилган ҳақ миқдорлари;</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонларни табиий муҳитдан ажратиб олишга доир берилган барча рухсатномалар ва улардаги маълумотлар ҳамда ундирилган ҳақ миқдорлари;</p> <p>Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг ўрмон-овчилик хўжаликлари томонидан берилган овчилик йўлланмалари (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкаси) ҳамда ундирилган ҳақ миқдорлари.</p>	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар	2021 йил 1 августдан бошлаб доимий равишда	Вилоят Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси
-----	--	--	---	---

Ижрочи: Вилоят ҳокимлиги

Ахборот хизмати раҳбари

М.Мирзаев